

NAQSHBANDIYA- KAMOLOT YO'LI



respublika masofaviy ilmiy-amaliy anjumani materiallari
2022-yil 26-mart

Buxoro – 2022

последователями одной из четырёх религиозно-правовых школ или систем (мазхабов) суннитского ислама, живущих в тарикате «Накшбандий». Таким великим человеком был шейх Бахауддин Накшбанд.

Характер и нравственность шейха Бахауддина

Слово «шейх» имеет три значения (смысла):

1. Богатый человек (арабы богатого человека называют «Шейхом».
2. Богобоязненный (персоязычные народы, жители Ирана, Афганистана, Таджикистана «Шайхом» называют богобоязненного человека).
3. Пожилой, старый человек.

Когда мы, персы, говорим: «шейх Бахауддин», то это означает «богобоязненный Бахоуддин».

Хазрат Накшбанди на родном для него персoperso-таджикском языке написал такие произведения, как: «Хаётнама» («Книга жизни»), «Далил ул-ашикин» («Свидетельство влюблённых»), «Аврод» («Покровы»). Среди многочисленных учеников и продолжателей духовной традиции хазрата Бахауддина Накшбанди наиболее известны хазрат Алауддин Аттар, хаджа Порсо Бухари, Мавлана Мухаммад, хаджа Мусафир Хорезми и другие. Хазрату посвящены книги хаджи Порсо «Макомати Бахауддин Накшбанди», «Алфоси Кудсия», трактат Мухаммада Бакира «Макомати хаджа Бахауддин Накшбанди» («Ступени суфийского пути»). С большим почтением о хазрате писали Джамии, Навои, Али Сафи, Махдуми Азам, хаджа Ахрор и другие авторы. Зятем хазрата был Алауддин Аттар, а внуком – Хасан Аттар.

Список литературы:

1. Носиров Р.Н. Суфийские учения и некоторые методологические аспекты изучения. // Независимый Узбекистан: Актуальные проблемы философии и права. Коллекция. 1996. –с.138-140;

2. Хожагон – накшбандия тарикатининг жахон цивилизацияси тарихида тутган ўрни мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Бухоро - 2018

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА

О.Шаринова ф.ф.н., доцент. БухДУ

Хожа Абдулхолик Ғиждувоний хожагон-накшбандия тарикатининг етук муршидларидан, унинг ривожига улкан хисса қўшган пири комилдир. Ул зот, биринчидан, хожагон сулукида хуфия зикрни бошлаб берган бўлса, иккинчидан, устози Хожа Юсуф Ҳамадоний томонидан ишлаб чиқилган ва

хожагон-нақшбандия тарикатининг бош шиорларига айланиб кетган «хуш дар дам», «назар бар кадам», «сафар дар ватан», «хилват дар апжуман» коидаларига яна туртта «ёдкард», «бозгашт», «нигохдошт», «ёддошт» каби рашхаларни илова килди. «Калимоти қудсия» деб аталадиган бу рашха-коидаларга унинг издоши ва маънавий фарзанди Хожа Бахоуддин Нақшбанд хазратлари яна учта: «вуқуфи замоний», «вуқуфи ададий» ва «вуқуфи калбий» коидаларини илова килиб, нақшбандиянинг яхлит назарий тизим тамойилини шакллантирганлар ва сулук тарбиясини янада ривожлантирадилар. Шу боис Абдулхолик Ғиждувоний хазратлари «сарҳалқай силсилаи нақшбандия» номи билан улуғланганлар.¹

Хожа Абдулхолик пайғамбаримиз Муҳаммад алайхиссаломдан бошланган тарикат силсиласида Юсуф Ҳамадонийдан кейин ўнинчи ҳалқа пири эдилар. Хожа хазратлари бу ҳалқанинг давом этиши учун вафотидан олдин Хожа Ахмад Сиддик, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Авлиёи Кабир (Авлиёи Колон), Хожа Сулаймон Карманийларга халифалик ижозати берганлар. Бу зотларнинг ҳар бири иршод ишларига машғул бўлишган. Нақшбандиянинг олий ҳалқасини эса Хожа Ориф Ревгарий хазратлари давом эттирганлар.

Хожаи Жаҳон айтадики, художўй шахс, ҳақшунослик йўлига тушган шогирд, муридларнинг маънавий руҳоний устози - муршидини ўз отасидан ҳам кўпроқ ҳурмат қилиши лозим. Чунки муршидлик лавозими, руҳий мураббий оталик мавқеидан юқоридир, зероки мураббий сўфийга ҳаққа яқинлашиш йўлини кўрсатади. Ғиждувоний ўзи бу қоидага амал қилиб, устози Бухорога кетгандан кейин, пирига бағишлаб **“Мақомоти Хожа Юсуфи Ҳамадоний”** ва **“Рисолаи шайх ал шуюх хазрати Хожа Абу Юсуф Ҳамадоний”** деган асарлар ёзиб, у кишининг таржимаи ҳоли, таълимоти, фазилатлари ҳақида батафсил маълумотлар ёзиб қолдирган.

Мазкур асарида Абдулхолик Ғиждувоний устози Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг сурат ва сийрати, гўзал ахлоки, юриш- туриши, ибодати, ҳаёт фаолияти ва шогирдларига муносабати хусусида атрофлича маълумот беради. Шунингдек, тарикат аҳлларини Юсуф Ҳамадонийнинг намунали ҳаёт тарзидан ибрат олишга чақиради.

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар туплами Йигирма жилдлик. Ўн еттинчи жилд, Насойим ул-муҳаббат. Т.: 2001, 253- бет

³ Абдулхолик Ғиждувоний. Рисолаи соҳибия. Нашрга тайёрловчи Саид Нафисий. Фарҳанги Эронзамин, I (1332/1953), 78-101-6.

⁴ Камолиддин Афанди Ҳаририйзода, Тибёну васоил-и ҳақоийк фи баёни салосилит-тароик. Сулаймония кутубхонаси, Ибрҳим Афанди бўлими, JSfe 430 (I, 379 а-389 б).

Юсуф Ҳамадоний қадим Туркистон маънавиятида ўзига хос дунёқараш, тасаввуф тизимини барпо этган, ривожлантирган олим ва ориф ҳамда адибдир. У тасаввуфни ривожлантирди, такомиллаштирди, Хуросон, Онадўли, Маворауннаҳрдаги тасаввуфий тажрибаларни ўзлаштирди, уларни асарларига сингдирди, шахсий ҳаётига тадбиқ этди. Юсуф Ҳамадоний нуфузли тасаввуф китобларида ҳурмат билан тилга инади. Фариддун Аттор “Тазкират ул авлиё” асарида: “машҳур шайх Мансур Ҳаллож тарафдори эди”¹

Аммо кубравия машойихидан Мажидуддин Боғдодий(ваф.м.1210 й.) ўзининг “Тухфат ал барара “ асарида Юсуф Ҳамадонийнинг:”Агар Мансур Ҳаллож маърифатни ҳаққи билан билганда “анал - ҳақ” ўрнига “анал-туроб “(мен тупрокман) деган бўларди” деган сўзларини келтиради.²

Юсуф Ҳамадоний замонасининг етук шайхлари Абдулқодир Гилоний, Имом Ғаззолий билан суҳбатлар қилган. Манбаларда Юсуф Ҳамадонийнинг Ғаззолийдан фарқи илмий –маърифий асарлар ёзишдан кўра, одамлар орасида юриб, муридлар таълим-тарбияси билан шуғулланишни афзал кўрган. “Ғаззолий асарларининг кўплиги билан шуҳрат қозонган бўлса, Хожа Юсуф Ҳамадоний кўплаб муридлар етиштиргани билан тасаввуфий жиҳатидан олдиндадаир” дейилади³.

“Абдурахмон Жомий “Нафаҳот ул унс” тазкирасида Юсуф Ҳамадоний ҳақида батафсил маълумот берган.⁴

Шайх Юсуф Ҳамадонийдан “**Рутбат ул ҳаёт**”, “**Кашф**”, “**Рисола дар одоби тариқат**”, “**Рисола фи аннал-қавна мусаххарун лил-инсон**”, “**Рисола дар ахлоқ ва муножот**” каби асарлар бизгача етиб келган. Ҳажм жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам салмоқлиси “**Рутбат ул-ҳаёт**” дир. Ушбу рисола инсон ҳаётининг фарқли даражалари тўғрисида савол-жавоб тариқасида ёзилган. Саволларга жавоб беришда Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифдан далил келтиради, фалсафий хулосалардан фойдаланади. Юсуф Ҳамадоний форс тилида асар битган илк мутасаввиф ҳисобланади. Рисолада Аллоҳ ва унинг расулига ҳамду санолар айтиб, Яратганнинг сифатларини ифодоловчи номлар келтирилади ва фалсафанинг умумназарий масалаларига тегишли бўлган мавзулар ҳақида фикр билдирилади.

¹ Фариддин Аттор. Тазкират ул авлиё. Техрон 1376 х. в. 568-бет

Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони, Одоби тариқат, Коинот ва инсон ҳақида. Тошкент. 2018, .

² 4 бетдан 2 сноскани кўчириш

³ Юсуф Ҳамадоний. Рутбат ул- ҳаёт Доктор Муҳаммад Амин Риёхий муқаддимаси. Техрон 1361х.ш.19б.

⁴ Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-унс минҳазарот ил-қудс. Техрон. 1337х.ш.375-377-б.

“Тирик (жонли)ким ва тириклик(хаёт)нима ? деган сволга , “тирик” - бу тинч осуда киши, “тириклик” эса тинчлик ва хотиржамлик эканлиги, шу билан бирга тасалли ва хотиржамликнинг фарқи тушунтирилади. Дунё безаклари билан тасалли топган киши алданади.Чунки дунё моли билан хотиржам бўлиб овунган киши ҳайвонлар ва ҳашаротлардан фарқи қолмайди. Инсон доимо фикр қилиб юриши керак. Илм, заковат ва идрок тожини бутун яратиклар орасида нима учун унинг “бошига қўйилганлигини”, “ибодат ва бандалик ёзувини нега унинг пешонасига ёзилганлигини”, “кўкларда ва ерда унинг номини нима учун дўстлик ва муҳаббат билан машҳур қилинганлигини фикр қилиб бориши керак” Инсон ўзининг фаҳми ва ақли билан шарафлангандир. Инсон даррандалар, ҳайвонлар ва ҳашаротлар билан ўзини тенг қилишдан уялиши керак. Чунки улар фақат нафсга берилгандирлар. “Ўша ҳайвонлар роҳатланадиган нарсалар билан ором топишдан ҳаё ва ор қилиши керак. Инсон вужудининг ҳаммоли ва вужуд ишларини бажарувчи улов бўлган нафснинг ейиш, ичиш ва кийиниш ва оила қуриш каби эҳтиёжу истакларини ҳаддан ошишидан сақлаши, уларни ўзининг ҳузур - ҳаловат манбаи ва асоси деб билмаслиги керак”.¹

Инсон мавжуд вазият ва эҳтиёжига кўра ҳаракат қилиши керак. Дунё молини йиғишда ҳаддан ошмасдан, эҳтиёжига кўра еб-ичиши, рўзғор тебратиши, оила қуриши зарурийдир. Заруратнинг меъёри ва чегараси бўлади.”У мутлақ ва бепоён эмас”² Мўмин кишининг ҳузур-ҳаловат топиши зикр билан, яъни Аллоҳни эслаш биландир.Ҳаловат ва ором топишнинг икки йўли мавжуд.Биринчиси Аллоҳнинг карами билан машаққатсиз келадиган ҳаловат, бунда инсон “дунё ҳаётининг қаъридандин дунёсининг кўкларига чиқади”, аммо бу ноёб ҳодиса, “ноёбнинг ҳукми йўқдир” дейилади. Иккинчиси, риёзату, қийинчиликлар орқали. Бу солиқларнинг йўлидир.

“Ким сенга дунёни озайтирса, дардингни озайтирган бўлади. Кимки дунёни кўпайтирса, дардингни кўпайтирган бўлади. Дунёнинг ором ва ҳузур биноси тамоман вайрон бўлса, раббоний уқбо-охират маскани обод бўлади”.³

Муққаддас манбадаги: эркакми ё аёлми ҳар бир қилган яхши амалига покиза ҳаёт ато этилиши, ўзлари қилган амаллардан чиройлироқ савоблар билан мукофотланиши, кўзи очиқ инсон шарият мулкини кўра билиши, шарият эса нафс ва коинотнинг султони эканлиги айтилади.

¹ Хожа Юсуф Ҳамадоний.Ҳаёт мезони, Одоби тариқат, Коинот ва инсон ҳақида..Тошкент.2018, .23-бет.

² Ўша ерда.24-бет.

³ Ўша ерда. 27-бет.

МУНДАРИЖА

I. ILM YO’LI – UMR YO’LI

Н.Р.Баракаев. Маърифатга бахшида умр	5
Н.Сафарова. Илмни макон тутган устоз.....	6
З.Исақова. Кўнгил изҳори.....	8
М.Салихова. Гулчеҳра Наврўзованинг Бухоро вилоят “Ойдин нур” ташкилоти билан ҳамкорликдаги фаолиятлари.....	11
Х.Рахматова. Устозлик мақоми – олий саодат.....	13
Г.Юнусова. Фидойи устоз	14
Г.Истамова. Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд.....	16

II. NAQSHBANDIYA – KAMOLOT YO’LI

Г.Наврўзова. Баҳоуддин Нақшбанд қалб хусусида.....	21
С.Олим. Навоий ижодида нақшбандия тарғиби.....	28
Н.Сафарова. Хожагон тасаввуфий таълимотида етти пирларнинг илмий-маърифий мероси.....	40
Р.Шодиев., Д.Бахриева. Философские аспекты суфийских воззрений Абждурахмана Джамии.....	46
М.Хажиева. Хожа Аҳмад Яссавийнинг халоллик, поклик тўғрисидаги қарашлари.....	52
З.Исақова. Шайх Халил ота ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд: Яссавия ва Хожагон-Нақшбандия тариқатларининг муштарак жиҳатлари.....	55
Г.Юнусова. Абдулқодир Гийлоний асарларида ғафлат ва огоҳлик масаласи.....	61
Г.Казимова, Н.Валиева. Истины Бахауддин Накшбанди	66
О.Шарипова. Юсуф Ҳамадонийнинг маънавий мероси ҳақида.....	69
Г.Юнусова, Г.Истамова. “Насойим ул-муҳаббат”да Абдулқодир ал-Гилоний ва ориф аёллар талқини	77
М.Гуламова. Нақшбандия таълимотини такомиллашувида Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг ўрни	82
Ж.Шодиев. Янги Ўзбекистонда инсон қадрини оширишда нақшбандия таълимотининг ўрни.....	87
М.Гуламова. Тариқат назариётчиси.....	89
М.Асророва. Нақшбандия тариқатининг инсон ҳаётидаги ўрни.....	92